

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УДК: 330:115::631(575.1)**

**ҚУЛМАТОВА САЙЁРА САФАРОВНА**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИДАН  
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари  
доктори, проф. Ҳатамов О.Қ.**

**TDIU  
kutubxonasi**

**Тошкент - 2022 йил**

**1169 п**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>I БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТЕХНИКАЛАРДАН САМАРАЛИ Фойдаланиш жараёнларини моделлаштиришнинг назарий асослари</b> .....	<b>13</b>
1.1. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда техникалардан фойдаланишни моделлаштиришнинг илмий-назарий асослари.....	13
1.2. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши техника таъминотининг иқтисодий статистик таҳлили.....	29
1.3. Қишлоқ хўжалигида машина-трактор паркларидан фойдаланишнинг кўрсаткичлари тизими. ....	50
Биринчи боб бўйича хулоса ва таклифлар.....	66
<b>II БОБ. МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИДАН Фойдаланишни ХОРИЖ тажрибаси ва унинг корреляцион-регрессион таҳлили</b> .....	<b>67</b>
2.1. Қишлоқ хўжалигида МТПлардан фойдаланиш бўйича хориж тажрибалари ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш имкониятлари.....	67
2.2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида МТП таркибини баҳолашнинг корреляцион- регрессион таҳлили. ....	79
2.3. Қишлоқ хўжалиги тармоғида трактор-транспорт ишлари учун ёқилғи сарфини ҳисоблашнинг математик модели. ....	92
Иккинчи боб бўйича хулоса ва таклифлар.....	101
<b>III БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИНИ ОПТИМАЛЛАШ УСУЛЛАРИ ВА МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАРИ</b> .....	<b>103</b>
3.1. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги МТП таркибини оптималлаштиришнинг математик моделлари. ....	103
3.2. Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашда бир жинсли Марков жараёнларидан фойдаланиш.....	113
3.3. Сурхондарё вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг техника таъминотига боғлиқлигини эконометрик баҳолаш.....	120
Учинчи боб бўйича хулоса ва таклифлар.....	131
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>134</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>140</b>
<b>Иловалар</b> .....	<b>156</b>

## КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда озиқ-овқат, хусусан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни қондириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш ва мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишда тармоқнинг замонавий техника воситалари билан таъминланганлик даражаси муҳим роль ўйнайди. Маълумотларга кўра, “жаҳон қишлоқ хўжалиги техникаси бозорининг ҳажми 2027 йилга келиб тахминан 310,61 млрд. АҚШ долларига етиши, унинг 2020 йилдан 2027 йилга қадар муддатдаги ўртача йиллик ўсиш суръати эса 9,4 %ни ташкил этиши кутилмоқда”<sup>1</sup>. Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида машина-трактор паркларидан самарали фойдаланиш натижасида меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошиб, бу ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ҳамда маҳсулот бирлиги таннархининг пасайишига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ҳозирда жаҳонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида замонавий техника ва технологиялар салмоғини ошириш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, тармоқнинг асосий жараёнларига рақамли технологияларни жорий этиш, машина-трактор паркларининг талабга мувофиқ таркибий тузилмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида техникаларидан самарали фойдаланишни моделлаштириш ҳамда иқтисодий-статистик баҳолаш усулларини такомиллаштириш, иқтисодий-статистик моделларини ишлаб чиқиш ва улар асосида ишлаб чиқариш истикболдаги ҳажмини прогнозлаш бу борадаги илмий-тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳияти кенгайиб

<sup>1</sup> Манба: Agriculture and Farm Machinery Market Size Reach Around US\$ 310.61 bn by 2027. - [https://www.mynewsdesk.com/jo/machinery-globe/pressreleases/agriculture-and-farm-machinery-market-size-reach-around-us\\$-310-dot-61-bn-by-2027-3021641](https://www.mynewsdesk.com/jo/machinery-globe/pressreleases/agriculture-and-farm-machinery-market-size-reach-around-us$-310-dot-61-bn-by-2027-3021641)